Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 2 февраль, шанба • №9 (11.397) • Эркин нархда сотилади

## ФАХРИЙЛАР АНЖУМАНИ

**Кеча фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Жамғарма вилоят кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланиб, муҳокама қилинди.**

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзақулов сўзга чиқди.

Конференция «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркибларини сайлади.

Конференция фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика қурултойига делегатлар сайлади ва вилоят фахрийларига Мурожаатнома қабул қилди.

Конференцияда «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг раиси Эркин Боқибоев сўзга чиқди.

* * *

Шу куни фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят кенгашининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Нуъмон Насимов янги муддатга «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят кенгашининг раиси вазифасига қайта сайланди.

*(Конференция иши ҳақидаги муфассал ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).*

**Воқеа арафасида**



## АЁЛ ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**Ҳар бир жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга муносабат билан белгиланади. Зеро, аёл кўнгилларни мунаввар қилгувчи, оилага, маҳалла-кўйга, бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи, муқаддас Ватан улуғворлигини белгиловчи буюк зотдир.**

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтган дастлабки кунларданоқ аёлларни эъзозлаш, уларнинг соғлиги, билим олиши, ҳар томонлама камол топиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, энг муҳими — оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримовнинг 1995 йил 2 мартда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз аёлларининг жамиятни, давлатни бошқаришдаги салоҳияти, ақл-заковати, билим ва тажрибасига ишончнинг ёрқин намунасидир.

Вилоятимизда ўзларининг ибратли ҳаётлари, ақлу заковатлари, ғайрат-ташаббуслари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган аёллар оз эмас. Улар давлат ва хўжалик идораларида, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий соҳаларда, жамоат ташкилотларида, корхона ва хўжаликларда самарали меҳнат қилмоқдалар, тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Вилоятимиз хотин-қизлари катта анжуман арафасида туришипти. Уларнинг энг муносиб вакиллари яқинда вилоят хотин-қизларининг навбатдаги конференциясига тўпланадилар.

*Газетамизнинг 3-саҳифасида шу анжуманга бағишланган материалларни ўқийсиз.*

## ҲАЖ САФАРИГА ОТЛАНДИЛАР

**Исломнинг муқаддас арконларидан бири – Ҳаж зиёратини адо этиш учун беш юз нафар мамлакатимиз мўъмин-мусулмонлари Тошкентдан Саудия Арабистонига отландилар.**

– Ҳаж сафари Ислом динидаги беш арконнинг бири бўлиб, бу улуғ сафар жамият фаровонлиги даражасини кўрсатувчи, инсонларнинг бирлигини ифодаловчи, мусулмонларнинг Яратган парвардигорга якдиллик билан итоат этишини таъминловчи муқаддас ибодатдир, – деди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов.

А. Баҳромовнинг таъкидлашича, бу йил 3800 нафар ҳамюртларимиз ҳаж зиёратида бўладилар. Ҳозир уларнинг 500 нафари Жидда шаҳрига йўл олишди.

***«Туркистон-пресс».***

## ТАДБИРКОР ҲАМИША ҲИМОЯДА

**Тошкент вилояти ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда тегишли вазирликлар ташкил этди.**

**Семинарни вилоят ҳокими У. Мирзақулов очди.**

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади. Зеро, уларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳолини иш билан таъминлашдаги улуши тобора ортиб бормоқда.

Шу боис кейинги йилларда соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш қоидалари эркинлаштирилди. Назорат этувчи органларнинг фаолияти тартибга солинди. Корхоналарни рўйхатга олиш жараёни соддалаштирилди, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш механизми яратилди.

Айни пайтда бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кам эмас. Семинарда асосий эътибор масаланинг ана шу томонига қаратилди. Сўзга чиққанлар уларни ечиш борасида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси раҳбари Г. Саидова, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов иштирок этди.

***Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

## «ТАБА-НОН» ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

**Мамлакатимизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлар моддий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши туфайли Янгийўл шаҳрида ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони йил сайин кўпаймоқда.**

Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортяпти.

Яқинда бу ерда «Асалтой» хусусий корхонаси иш бошлади. Мазкур корхонада қандолат маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Шунингдек, «Таба-нон» хусусий фирмаси ҳам яқин кунларда ўз фаолиятини бошлайди. У товуқ, ғоз гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослашган.

***Ўз мухбиримиз.***

## Бугунги сонда:

**ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ**
Ёз тараддудини қишда кўр, деб бежиз айтмаган боболарх-конларимиз. Лекин, афсуски, айрим туман ва хўжаликларнинг мутасадди раҳбарлари кузги-қишки тадбирларни ҳамон пайсалга солмоқдалар
2-бет

**АЁЛ ОЛАМИ**
Вилоятимизда ўзларининг ибратли ҳаётлари, ақлу-заковатлари, ғайрат-ташаббуслари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган аёллар оз эмас.
3-бет

**ҲАММАМИЗ ХУШЁР БЎЛАЙЛИК**
Ўт балосига дучор бўлмаслик учун ҳамиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик.
6-бет

**ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:**
XIX аср охирида Япония императори оиласи ҳамда тахтга ворислик билан боғлиқ қонун-қоидаларга жиддий ўзгартиш киритилди.
7-бет

**МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ**
«Инсон ақлининг чегараси бор, аммо инсоният ақлининг чегараси йўқ», дейди донишмандлар.
8-бет

## БЕЖИРИМЛИГИ БОИС ХАРИДОРБОП

**«Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти жамоаси ишлаб чиқараётган турли маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда.**

Айниқса, бу ерда тайёрланаётган ва турли қандолатларни солишга мўлжалланган, дизайни кўркам бўлган катта-кичик қутичалар харидорбоплиги билан ажралиб туради.

Корхона жамоаси ўтган йил учун мўлжалланган экспорт ҳажмини тўла бажарди. Чет элдаги буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот 250 минг Америка долларини ташкил этди. Бундай мижозлар МДҲ мамлакатларида кўп. Маҳсулотнинг кўпчилик қисмини Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон сотиб олаяпти.

***Ўз мухбиримиз.***

**«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар**

## «ЭЧКИМИЖОЗ СИГИРЛАР, БОҚИБЕҒАМ РАҲБАРЛАР»

*Газетанинг 2001 йил 22 декабрь сонида эълон қилинган «Эчкимижоз сигирлар, боқибеғам раҳбарлар» сарлавҳали мақолада айрим туман ва хўжаликларда мол туёғи, айниқса, сигирлар ҳеч қандай сабабсиз камайиб кетаётгани, умуман чорвачилик ривожининг тобора пасайиб бораётгани танқид қилинган эди.Жумладан, Юқоричирчиқ туманида ҳам чорвачиликнинг орқага кетаётгани, баъзи хўжаликларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар аниқ рақам ва далиллар асосида таҳлил қилиниб, тегишли фикр-мулоҳазалар баён этилганди. Яқинда таҳририятга ушбу танқидий мақола юзасидан туман ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Б.Эшонов имзоси билан жавоб хати келди.*

«Газетанинг 2001 йил 22 декабрь сонида босилган «Эчкимижоз сигирлар, боқибеғам раҳбарлар» сарлавҳали мақолада вилоят туманлари қаторида бизнинг туманимиз ҳам чорвачилик аҳволи тўғрисида аччиқ ҳақиқат айтилган.

Туман ҳокимияти, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, статистика ва иқтисодиёт бўлими мутахассислари хўжаликлар раҳбарлари ва чорва фермалари эгалари билан биргаликда мажлис ўтказилиб, туман чорвачилик масаласи кўрилиб, хусусийлаштирилган ва хусусийлаштирилмаган фермалардаги аҳвол ўрганилиб чиқилди. Мажлисда «Наврўз» ва «Тано» фермаларида ўзгаришлар юз бериб, «Дўстлик», «Гулистон» ва А.Яссавий номли хўжаликларнинг фермаларида чорвачиликнинг оғир аҳволда эканлиги, асосан ем-хашак етишмовчилиги, умуман мулк эгаларини ўзгартириш лозимлиги кўрсатилди. Мулк қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан юргизилган тарғибот ишлари натижасида «Дўстлик», «Гулистон» ва «А. Яссавий» хўжалик фермалари хусусийлаштирилган. Натижада ўтган йилга нисбатан «Ал-барокот» фермасида ҳар сигирдан сут соғиб олиш 1190 килограммдан 1944 килограммга кўтарилди. Олинган бузоқнинг камлиги ўтган йили ем-хашак етишмовчиликнинг салбий таъсири.

«Ийкота» хўжалиги фермасини У.Юсупов бўрдоқичилик хўжалиги сотиб олиб, «Саховат» фермер хўжалиги ташкил қилинганди. 2001 йил «Саховат» фермаси сотилди. Ҳозирги кунда фермада бўрдоқичилик билан шуғулланиш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокимияти мулк эгалари билан чорва аҳволини тузатиш тўғрисида тадбирлар белгилаб иш олиб бормоқда. Асосий вазифа етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаш, фермаларнинг ветсанитариялик аҳволини яхшилаш, чорвачилик маданиятини кўтариш, сифатли чорва унумларини кучайтиришга йўналтирилган».

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

*Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб, яна бир гапни айтмоқчимиз. Юқоридаги танқидий мақолада Бўстонлиқ туманидаги ночор аҳвол кенг таҳлил этилиб, жиддий танқид қилинган эди. Аммо орадан бир ярим ойча вақт ўтганига қарамай, туманнинг мутасадди раҳбарлари таҳририятга жавоб йўллашни ўзларига эп кўрмаяптилар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ё туманда чорвачиликдаги аҳволни ўнглаш учун ҳеч иш қилинмаяпти, ё туман раҳбарлари газетанинг чиқишини эслашни исташмаяпти. Таҳририят эса бу мавзуга яна албатта қайтади.*

**Тошкент туманида қишлоқларни газлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Ўтган йили 18 километр узунликда турли босимдаги «зангори олов» тармоқлари қурилиб ишга туширилди.**

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ» ҚИШЛОҚ ХОНАДОНЛАРИГА

Ҳозирги вақтда газлаштирилган хонадонлар сони 20 минг 100 тадан ҳам ошиб кетди. Натижада қишлоқларни газлаштириш даражаси 85 фоизга етди. Қатор ширкат хўжаликлари, маҳаллаларда янги газ қувурлари тармоғи тортилди. Чунончи, «Шўро бозори», «Янги ҳаёт», Баҳромов маҳаллаларида, С.Раҳимов, М.Фозилов, Навоий номли ширкат хўжаликларидаги оилалар қулай ёқилғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

«Ҳасанбой» ширкат хўжалигида эса мавжуд газ тармоғи қайта қурилди, чунки у талабни қондирмай қолган эди. Хўжалик раҳбарияти бу муаммони бартараф этиш учун 18 миллион сармоя ажратди. Бу тадбир туфайли хўжаликдаги 610 хонадонни табиий газ билан таъминлаш сезиларли яхшиланди.

*Ушбу суратда «Келесгазтаъминот» шахобчаси чилангари Ноил Давлетшин, бош муҳандиси Саъдулла Аъзамов ва пайвандчи Рифат Алимовларни иш юзасидан ўзаро суҳбат чоғида кўриб турибсиз.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***



**Таҳлил ва сабоқ**

**Бу йил вилоят бўйича жами 110 минг гектар майдонда пахта етиштириш режалаштирилган. Маълумки, давлатга хом ашё етказиб бериш контрактация шартномасини муваффақиятли бажариш учун биринчи навбатда ҳосилдорлик режаланган даражада бўлишини таъминлаш зарур. Бунга эришиш учун шу кунларда қандай муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш лозим?**

## ЁЗ ТАРАДДУДИНИ ҚИШДА КЎР

деб бежиз айтмаган бободеҳқонларимиз. Лекин, афсуски, айрим туман ва хўжаликларнинг мутасадди раҳбарлари кузги-қишки тадбирларни ҳамон пайсалга солмоқдалар

Асл деҳқон экин экишни нав танлашдан бошлайди. Шунга амал қилиб, вилоятимизнинг иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган, аввалги йиллар синовдан ўтган мақбул ғўза навлари танлаб олинди. Бу йил асосий майдонларга, яъни 91140 гектар ерга ғўзанинг «С-6524» ўртапишар нави экилади. 17260 гектарга эса эртапишар, жумладан, 12 минг гектарга «Наманган-77», 4267 гектарга «Тошкент-6» ва 500 гектарга «Меҳр»-навлари жойлаштирилади. Шунингдек, 1600 гектар майдонда истиқболли ҳисобланаётган айрим навлар синовдан ўтказилади.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 декабрь ҳамда вилоят ҳокимининг 2001 йил 22 декабрдаги қарорларида таъкидланганидек, ғўза навини тўғри танлаш мўл ҳосилга замин яратилди деган гап эмас ҳали. Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ҳозирданоқ бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Биз шулардан учтасига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Андижонликларнинг чигитни плёнка остига экиш усули бугунги кунда таърифга ва, айниқса, тарғибот-ташвиқотга муҳтож эмас. Бу усул ўтган йилги мавсумда вилоятимиздаги бир қатор хўжаликларда ўзининг барча афзалликларини намоён этди. Шунинг учун республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 октябрь ҳамда вилоят ҳокимининг 2001 йил 2 ноябрдаги қарорларига асосан бу йил 20 минг гектар плёнка остига чигит экиш учун ажратиладиган бўлди. Шу мақсадга ишлатиладиган 1140 тонна полиэтилен плёнка юзасидан барча хўжаликлар шартнома тузган. Ажратилган майдонга чигит экиш учун 343 та сеялка ва 99 та мослама мавжуд бўлиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Вилоят бўйича шу агрегатнинг ҳар бирига ўртача 47 гектардан ер тўғри келади. Бироқ Янгийўл туманида бу кўрсаткич 70 гектар, Чиноз туманида 64 гектарга тенг бўлаяпти. Демак, бу туманларнинг раҳбар ва мутахассислари қўшимча имкониятларни излаб топиш учун ҳозирдан ҳаракат қилишлари зарур.

Плёнка остига чигит экишнинг ўзига хос жиҳатлари ва талаблари бор. Ҳар бир уяга чигит, шунингдек, минерал ўғит белгиланган миқдор ва чуқурликда тушиши, плёнка таранг тортилиши, унинг икки ёни тупроқ билан кўмилиши лозим. Шу боис ҳар бир хўжалик ўз агрегатларини махсус тайёрланган усти ёпиқ майдонларга олиб чиқиб, синовдан ўтказиши, нуқсон ва камчиликлари бўлса, ҳозирдан бартараф этиши лозим.

Чигитни пуштага экиш ҳам уни тез ва бехато ундириб олиш, энг муҳими ҳосилдорликни ошириш омили эканлигини айрим деҳқонлар амалда исботладилар. Жумладан, бу йил вилоят бўйича 20 минг гектар ерга кузда пушта олиб қўйиш режалаштирилганди. Афсуски, бу муҳим агротехник тадбирнинг ижроси ҳам ўлда-жўлда. Бўкада 10, Янгийўлда 70, Чинозда 150, Қуйичирчиқда 172 гектар майдонда пушта олинган, холос. Пскент, Оққўрғон туманларида эса бу ишга умуман қўл урилмаган. Пуштанинг афзаллигини билиб туриб, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошишини кўриб туриб, бундай даражада лоқайд бўлиш ҳар қандай раҳбар ва мутахассис учун кечириб бўлмас ҳолдир.

Пахтадан мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан яна бири уни минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйинтиришдир. Лекин, афсуски, бу йил 30 минг гектар далага ўғит солиш режаси бор-йўғи 7672 гектар қилиб бажарилди. Энг кўп пахта етиштириладиган Бекобод туманида 110 гектар, Оққўрғон туманида 90 гектар майдонгагина минерал ўғит берилди. Бўка туманида эса умуман ўғит солинмади. Тўғри, ўғит тайёрлаб берувчи корхоналар эҳтиёж миқдоридаги ўғитни ўз вақтида етказиб беролмаяпти. Аммо бу баҳона бўлмаслиги керак. Чунки, чорасини топаётган, уддасидан чиқаётган хўжаликлар жуда кўп. Ҳаракат қилган қараб қолмайди.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ерга қанча кўп маҳаллий ўғит солинса, ҳосил шунча мўл ва сифатли бўлади. Шуни ҳисобга олиб, бу йил 800 минг тонна маҳаллий ўғит, шу жумладан 350 минг тонна гўнг ва 450 минг тонна компост тайёрлаш режалаштирилган эди. Амалда эса 206 минг тонна гўнг, 100 минг тонна компост тайёрлангани мутлақо қониқарсиз ҳолдир. Фақат Қибрай, Тошкент, Паркент туманларигина бу соҳадаги топшириқни бажариш арафасида. Қолган туманларнинг ҳаммасида ер малҳами бўлган маҳаллий ўғит тайёрлаш масаласига яхши эътибор берилмаяпти. Масалан, Бекобод, Пскент,Чиноз, Оққўрғон ва Янгийўл туманларида шу пайтгача топшириққа нисбатан 7-16 фоиз маҳаллий ўғит тайёрланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Хулоса қилиб айтганда бир қатор туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари «қиш — бекорчилик» қабилида иш тутмоқдалар. Улар ёз тараддудини қишда кўриб қўймаган деҳқон кузда ер чизиб қолишини унутган кўринишади. Полиэтилен плёнкани ва унинг остига чигит экадиган сеялкаларни, зарур миқдордаги маҳаллий ўғитни вақтида тайёрлаб, ажратилган майдонларга олдиндан эгат олиб қўйилишини таъминламаган раҳбарларнинг кузга бориб, юзлари шувит бўлиб қолиши, энг ёмони эса вилоятни ҳам орқага тортиши аниқ. Ўзини ҳурмат қиладиган раҳбар бундай бўлишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

# АЁЛ ОЛАМИ

**Бугунги кунда наинки мустақил Ўзбекистонда, балки олисяқин хорижий мамлакатларда ҳам профессор Ҳалима Отабоевани яхши танишади. Ўсимликшунос олиманинг ғалла ва озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, оқсилга бой ўсимликлар майдонини кенгайтириш муаммоларига бағишланган илмий ишланмалари мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришда салмоқли ўрин тутмоқда.**



## ИЗЛАНГАННИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД

У — ўсимликшунослик фани соҳасида ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи фан доктори бўлди. Профессор Отабоеванинг шогирдлари Покистон, Миср, Вьетнам, Сурия, Ливияда ҳам самарали фаолият кўрсатишмоқда. Тошкент Давлат аграр университетининг кафедрасини бошқариб, педагог-олима ўнлаб талабаларнинг диплом ишларига ҳам раҳбарлик қиляпти.

Ўтган йиллар мобайнида Ҳ. Отабоеванинг 100дан ортиқ услубий қўлланмалари, шу жумладан, учта дарслик китоби, «Ўсимликшунослик атамаларининг русча-ўзбекча луғати» чоп этилди. Унинг «Ўсимликшунослик» дарслиги 2001 йили «Устоз» жамғармаси эълон қилган республика танловида биринчи ўринни эгаллади. Олима йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи мақомига эришди.

Устоз ҳамон қизғин ва самарали илмий-педагогик изланишларини давом эттиряпти. Ўзининг бутун салоҳиятини мустақил Ўзбекистонимиз қишлоқ хўжалигига юқори малакали кадрлар тайёрлашга бағишлаётир.

## ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТИБ

**Яқинда бир ҳамюртимиз Францияда бўлиб қайтди. У хорижий мамлакатга шунчаки бир сайёҳ сифатида бормади, балки Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этган танловда муваффақиятли иштирок этиб, ушбу давлатга бориш имкониятини қўлга киритди.**



Ўн олти йилдан бери Паркент тумани мактабларида шогирдлари кўнглини маърифат нури билан ёритиб, улар қалбида француз тилига бўлган меҳрни уйғотиб келаётган фидойи муаллима Нафиса Дўсматова мазкур хориж сафари ҳақида шундай ҳикоя қилади:

– Париж шаҳрига мўлжалланган уч кунлик саёҳатимизда Сабонна университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашиб, уларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини кўрдик. Кейин Монтпелье шаҳрига жўнаб кетдик. У ерда ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳида ўқидик.

Бир кун ўқиб, бир кун саёҳатларда бўлдик. Масалан, Монтпелье атрофидаги Арел, Сет, Ним, Сов, Ганж каби шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, уларнинг тарихи, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш корхоналари, атирупа фабрикалари, мактаб, лицей, коллежларда ўқитувчиларнинг методикасини, баҳолаш тизимларини, синфлар жиҳозланишини, иш олиб бориш услубларини ўргандик. Франциялик ўқувчиларнинг ўзларини эмин-эркин тутишлари, уларданги билим даражасининг юқорилиги ва, айниқса, вақтнинг қадрига етиши менда катта таассурот қолдирди.

8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами шарофати билан олийгоҳда биз — ўзбекистонликларни мезбонлар табриклашди. Шунда кўзларимга севинч ёшлари қалқиди. Ахир, дунёнинг бир четида, Франциядек ривожланган мамлакатда Қомусимиз қабул қилинган кунни байрам қилинишидан ғурурланмай бўладими?

> **Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.**
>
> ***Ислом КАРИМОВ.***

## СПОРТ ОЛАМИДА ЖАВЛОН УРИБ

**Тошкент Давлат аграр университети магистратура факультетининг биринчи босқич менежмент йўналиши талабаси Саида Искандарова сузиш спорти бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси бўлиб етишди.**



У Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси сифатида ўтган йили Осиё чемпионатида 50 м, 100 м, 200 м масофаларда чалқанча сузиб, биринчи ўринни эгаллади. Саида спорт маҳоратини ошириш мақсадида тинмай машқ қилмоқда. Бу интилишлар ўз самарасини бераётир. Чунончи, республика олимпия заҳираларини тайёрлаш коллежининг сув ҳавзасида сузиш бўйича ўтказилган республика чемпионатида Саида чалқанча сузиш бўйича ҳамма рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Митрофанов хотирасига бағишланган республика биринчилигида ҳам Саида Искандарова ўз юксак маҳоратини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Моҳир сузувчи қизнинг эндиги орзуси — Жаҳон чемпионатида қатнашиш. Шу мақсадда у бугунги кунда саралаш мусобақаларида қизғин иштирок этмоқда.

## БЎСТОНЛИҚ ВАКИЛАСИ

**Ўша кунлардаги қувончу ҳаяжонларини Қуддуса Эшонхўжаева бир умр унута олмайди. Бамисоли бутун Чорбоғ шаҳарчасининг аҳолиси уни муборакбод этгани, қувончига шерик бўлгани келгандек эди.**

– Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида эълон қилинган фармон ҳамшаҳарларим, хусусан, оиламизга бир олам қувонч келтирди, – деб эслайди Қуддуса. – Мустақиллик йилларидаги меҳнатларим Ватанимизнинг олий нишонларидан бири – «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Мен каби оддий бир тадбиркор аёл учун бу не бахт, ахир?!

Қуддуса мактабни муваффақиятли тамомлаб, иқтисодчи касбини эгаллашга жазм қилди. Мустақиллик йиллари малакали ёш мутахассис иқтидорининг янги қирраларини очди. У фарзандларини тарбиялаш билан бир қаторда тадбиркорликка киришиб кетди. Тикувчилик билан шуғулланиб, қизалоқлар кийимларининг ўзига хос туркумини яратди. Бу либосларнинг бозори чаққон бўлди. Табиийки, иш кўламини шунга яраша кенгайтириш керак эди.

Ёш тадбиркорнинг теварагида шогирдлар пайдо бўла бошлади. Улар дўппидўзлик, зардўзлик, кийим-кечак тикишни кенгайтиришди. Бора-бора Қуддусанинг андозалари бўйича аёллар, мактаб ўқувчилари, ногиронлар ўз уйларида иш бажарадиган бўлдилар.

Иш кўлами кенгайган сари хом ашё, янги асбоб-ускуналарга эҳтиёж ортди. Шунда Қуддуса Эшонхўжаева бир миллион сўм кредит олди. Бўстонлиқ туман ҳокимиятининг ёрдами билан олинган бу имтиёзли кредит кичик корхона учун жиҳозлар, тикув материаллари сотиб олишга сарфланди.

Чорбоғ чеварлари аёллар учун ҳам бежирим ва замонавий либослар тика бошлашди. Материалларнинг қийқимларидан эса, кичкинтойлар учун бежирим ўйинчоқлар тикиш йўлга қўйилди.

– Ҳунармандчиликнинг сиру асрорлари бетакрор, имкониятлари кенг экан, – дейди Эшонхўжаева. – Шу кунларда дўппидўзликнинг Бўстонлиққа хос услубини яратиш устида иш олиб бораяпман. Албатта, бунинг учун шу касбнинг мавжуд мактаблари тажрибасини ҳам ўрганишимиз керак. Шу боис қизим Наврўзани Андижонга жўнатган эдим. У Андижон дўппидўзлиги сирларини мукаммал ўрганиб келди. Яқин келгусида шаҳарчамизда ҳунарманд қизлар мактабини очиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Қўли гул чевар, моҳир ташкилотчи, билимдон мутахассис Қуддуса Эшонхўжаева ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашаётир. Уни Бўстонлиқ хотин-қизлари вилоят хотин-қизлар конференциясига вакил қилиб сайлашди.



*СУРАТДА: ғайратли тадбиркор Қуддуса Эшонхўжаева.*

***Саҳифани Клара Қамбарова ва Жўра Саъдуллаевлар тайёрладилар.***



**Вилоятда «Ватанни севмоқ иймондандур» мавзуидаги кино икки ойлиги давом этмоқда. Қибрай туманида бўлиб ўтган тадбир ҳам айнан шу кўрик доирасида уюштирилди.**

## МУЛОҚОТДАН СЎНГ ФИЛЬМ КЎРИШДИ

«Қибрай» кинотеатрида йиғилганлар кинорежиссёр Мелис Абзалов бошчилигидаги ижодий гуруҳ билан мулоқотда бўлдилар. Меҳмонлар кино санъатининг ўзига хос хусусиятлари, фильм яратилиши жараёни ҳақида сўзлаб, муҳлисларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Тадбир сўнгида шу ижодий гуруҳ иштирокида суратга олинган «Мешполвон» фильми намойиш этилди. Киносанъаткорлар билан бундай учрашув ва мулоқотларни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказиш режалаштирилган.

***Ўз мухбиримиз.***

**Янгилик**

## Миллий санъатимизнинг яна бир эътирофи

***Тошкентда ЮНЕСКО қошидаги Фольклор фестивалларини ташкил этиш халқаро кенгашининг (CIOFF) Ўзбекистон шўъбаси очилди***

Бу янгилик мустақил мамлакатимиз санъат намояндалари, айниқса, фольклор йўналишида фаолият кўрсатаётган жамоалар учун жуда қувончли бўлди. Зеро, мустақил Ўзбекистон, ҳеч муболағасиз, санъаткорлар юрти. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётган профессионал санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари ўз маҳоратларини мамлакатимизда ўтказилаётган қўшиқ байрамлари, турли кўрик-танловлар, фестиваллар, хориж сафарларида намойиш этмоқда. Уларнинг бу чиқишлари халқаро ташкилотлар эътиборидан четда қолмаяпти, албатта. Мамлакатимизда CIOFF шўъбасининг очилиши ҳам миллий санъатимиз жаҳонда эътироф этилаётганидан яна бир белгидир. Зотан, Фольклор фестивалларини ташкил этиш халқаро кенгаши нуфузли ташкилотлардан бири. Унга саксон мамлакат аъзо. Кенгашнинг 2001 йил ноябрь ойида Португалиянинг Порто шаҳрида ўтказилган халқаро ассамблеясида Ўзбекистон ҳам улар сафига қўшилган.

– Темирйўлчилар маданият саройида фаолият кўрсатаётган "Ассалом, Қуёш" уюшмаси янги шўъбанинг асосини ташкил этади, – дейди шўъба раҳбари Муборак Мирзаева. – Ўзида ижодкор ёшларни бирлаштирган бу ташкилотнинг асосий вазифаси ўзбек халқининг оғзаки ижоди, қўшиқчилиги, амалий санъати, катта ашуласи, миллий либослари анъаналарини сақлаш, асраб-авайлашдан, устоз санъаткорлар ижодини давом эттиришдан иборат.

***Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.***

**Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик**

## ҲАММАМИЗ ХУШЁР БЎЛСАК...

**Кексалар ҳар гал фотиҳага қўл очишганда: «Юртимиз, оиламиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин, бемахал ўлимдан, ўт балоси, сув балосидан асрасин», деб дуо қиладилар. Айниқса, ёнғин балосини ҳеч кимнинг бошига солмасин.**

Ҳар йили республикамизда, шунингдек, вилоятимизда содир бўлаётган ёнғинлар туфайли қанчадан-қанча давлат ва халқ мулки кулга айланмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик туфайли моддий ва маънавий зарар кўрилмоқда. Сўнгги бир йил мобайнида вилоятимизда жаъми 1995 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 65.3 фоизи – 1303 таси фуқароларнинг турар-жойларига тўғри келади. Айниқса, Олмалиқ, Ангрен, Янгиобод шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Тошкент, Бекобод, Чиноз туманларида содир бўлган ёнғинлар аянчли ҳолатларга олиб келди, инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғин чиқишининг асосий сабаблари хилма-хил. Ёш болаларнинг олов билан ўйнашиши 433 та ҳолатда ёнғин чиқишига сабаб бўлган. Электр ёки газ қурилмаларининг носозлиги, улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳам ўт тушишига олиб келган воқеалар кўп.

Ходимларимиз ёнғинларнинг олдини олиш, уларда инсонлар ҳалок бўлишига йўл қўймаслик борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда, радио, телевидение ва рўзномалар орқали тушунтириш олиб борилмоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг асосийси – инсон ҳаётини асраш – ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, давлат ёнғин назорати ходимлари аниқлаган барча камчиликларни вақтида бартараф этиш лозим.

Қисқаси ҳамма хушёр бўлиб, белгиланган қоидаларга риоя этилса, хонадон соҳибалари лоқайдлик уйқусидан уйғонсаларгина нохуш ҳолатларнинг олдини тўлиқ олиш мумкин бўлади.

Минг марта гапиргандан, бир марта амалий иш қилган яхши. Халқимизнинг бу доно гапига амал қилайлик. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-дунёмиз бир неча сонияда кўкка совурилиб кетмаслиги, фожеа юз бермаслиги учун ўт билан ўйнашманг. Ўт балосига дучор бўлмаслик учун ҳамиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик.

***Н. ИСРОИЛОВ,***
***Тошкент вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги.***

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

**Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:**

**I. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозими учун:**

1. Охангарон шаҳрида ---------- 1та ўрин учун;
2. Янгийўл туманида ------------ 1та ўрин учун.

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозими учун:**

Бекобод шаҳрида ----------------- 1та ўрин.



***Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.***

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

ASAKA BANK

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-кувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида

**«АСАКА» БАНКИ**

*Тошкент вилоят филиали 2002 йил 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран 30% дан 50% гача камайтирганини эълон қилади.*

*«Асака» банки Тошкент вилоят филиали Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.*

***«Асака» Тошкент вилоят филиали банки Сизни ўзаро ҳамкорликка чорлайди!***

**Маълумот учун телефонлар: 120-84-04, 120-84-06.**

**Манзилимиз: 700031, Тошкент ш., Оқилов кўчаси, 40.**






Исроилда навбатдаги террорчилик ҳаракати содир этилди. Бунинг натижасида мамлакат хавфсизлик хизматининг икки ходими ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, кўпорувчилик камикадзе томонидан амалга оширилган. Айни пайтда мазкур ҳодиса юзасидан текширув ўтказиляпти.

* * *

Буюк Британия пойтахтида электропоезд ҳалокатга учради. Шаҳар темир йўллар бошқармаси вакилининг айтишича, поезд сўнгги бекатга етай деганда тормоз ишламай қолган ва амортизацияли қурилмага бориб урилган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

* * *

Колумбиядаги қуролли зиддиятни бартараф этиш учун четдан аралашиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Куба раҳбари Фидел Кастро Колумбия ҳукумати ва Миллий озодлик армияси ўртасидаги тинчлик музокараларининг очилиш маросимида шундай фикр билдирди.

* * *

Сўнгги пайтларда Колумбия инқилобий қуролли кучлари (КИҚК) жангарилари аҳоли турар-жойларига ҳужумларни, мамлакат ҳарбийларига пистирма қўйиш ҳамда полициячиларни ўлдиришни авж олдирмоқда. Шу ҳафтанинг ўзида мамлакатнинг Чаке ва Мета департаментларида бир қанча кўпорувчилик содир этилди. Хабарларга кўра, фуқаролар, ҳарбийлар ва КИҚК жангариларини қўшганда жами 16 киши қурбон бўлган, 46 киши жароҳатланган, 22 киши эса бедарак йўқолган.

* * *

АҚШнинг компьютер хавфсизлиги билан шуғулланадиган "Риптек" фирмаси маълумотларига кўра, мамлакат хакерларнинг кўплиги жиҳатидан биринчи ўринда турар экан. Ўтган йили дунё хакерлари 25 мамлакатда жойлашган уч юздан зиёд корпорациянинг компьютер тизимларини ишдан чиқарган. Шунинг 30 фоизи америкаликлар томонидан амалга оширилган. АҚШдан кейинги ўринларда Жанубий Корея (9 фоиз) ва Хитой (8 фоиз) турибди.


Нью-Йорк океандан ҳам гўзал кўринади.

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

### АНТИҚА ЖАЗО

Американикларнинг 60-артиллерия полки сипоҳи Эверетт Д.Риммер бошлиқлар буйруғига биноан сурункасига 132 соатни ҳарбийчасига жойида ғоз туриб ўтказди. Бундай жазони унга Япониянинг Осака шаҳридаги 1-сонли ҳарбий асирлар лагерида ўйлаб топишди.

### ҲАЗИЛ ҚИММАТГА ТУШДИ

Африканинг Брегенз шаҳрилик Андреас Михавечни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ – ҳалокатга учраган автомобилнинг йўловчиси бўлгани учун қамоққа тиқишди. Бу 1979 йил 1 апрель куни юз берди, чамаси, миршаблар бир ҳазиллашиб хумордан чиқмоқчи бўлишди. Ҳазил яхши нарса-ку, аммо... Қамашга қамаб, шўрлик йигит ҳақида буткул унутишди. Михавеч қамоқ бўлинмасида роппа-роса ўн саккиз кеча-кундузни сувсиз ва овқатсиз ўтказди. Фақат 18 апрель куни уни тасодифан топиб олишди. Йигит ўлар аҳволда ғужанак бўлиб ётгани устидан чиқишди.

## Турфа олам

### БАЛЛИ, КАЛЛА!



Маълумотларга қараганда, ҳиндистонлик Милинд Дашмух исмли одам бошига сут тўлдирилган шиша идишни қўйиб шу кўйи Пуна шаҳридан Лоновал шаҳригача бўлган 65 километр йўлни босиб ўтган. Манзилга етгунга қадар бирор марта ҳам қўлини идишга теккизмаган, сутнинг бир томчиси ҳам тўкилмаслигига эришган.

Ана каллаю, мана калла!

### ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ



1967 йили швейцариялик муаллим Томас Литз одатдагидек ўқувчиларининг ёзма иш дафтарларини текширди. Текширди-ю, қайтариб беришни тамомила ёддан чиқарди. Дафтарлар фақат 1988 йилдагина тасодифан топилиб, эгаларига қайтарилди. Бу вақт давомида Литзнинг ўқувчиларидан бири – Марк Жонсон устозининг этагидан тутиб, муаллимлик касбини эгаллаб улгурган эди. Бу йўлдаги атак-чечак қадамлари муҳрланган дафтар унинг қўлига 1988 йил 1 февраль куни, орадан роппа-роса 21 йил ўтгач тегди.

### ЛИФТНИНГ ТЕЗЛИГИ ҚАНЧА?

1978 йилнинг 5 апрелида Токионинг Икебукуро мавзесида «Саншайн – 60» номли 240 метрли бино қуриб битказилди. Мазкур бинога ўрнатилган лифтлар ҳанузга қадар дунёдаги энг ҳаракатчан одам ташувчи лифтлар сифатида эътироф этилади. «Мицубиси» компанияси томонидан ўйлаб топилган мазкур лифтларнинг ҳаракат тезлиги минутига 609,6 метр (соатига 36,56 километр)дир.

Турфа олам

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

## ЯПОНИЯ:
# ИМПЕРАТОР ХОНАДОНИНИНГ ТАШВИШИ

**2001 йилнинг 1 декабрига қадар 126 миллионлик япон халқи дилида бир армон билан яшаб келди. Сабаби шу вақтгача император Акихито набирали бўлмаётган эди. Шаҳзода Нарухито рафиқаси малика Масако билан яшаётганига саккиз йилдан ошган бўлса-да, фарзанд кўрмаётганди. Устига-устак, 1999 йили малика Масако юкли бўлганида хасталик туфайли туғилмаган боласидан айрилди ва тахт вориси билан боғлиқ гап-сўзлар авж олди.**

Ўтган йилнинг декабрида 38 ёшли малика оналик бахтига эришди. Бироқ бу қувончли воқеа гап-сўзларга чек қўйиш ўрнига, миш-мишларни янада авж олдириб юборди. Негаки, таомилга кўра, Японияда император тахтига фақат эркак киши ўтириши мумкин. Масако эса қиз кўрган эди.

Аслини олганда, Япония ҳаётида император оиласининг аҳамияти бошқа давлатлар, хусусан, Европадаги қироллар оилалариникидан бироз бошқача. Япон афсоналарига кўра, император оиласи бевосита илоҳий кучларга алоқадор ҳисобланади. Шу сабаб тахт бир оиладан иккинчи оила вакилларига ўтиши ва "оддий инсонлар" император бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, Япония императорлари бир неча асрдан буён давлат ишларига аралашмайди. Демак, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш ва умуман мамлакатни бошқариш ҳам уларнинг вазифаси эмас. Бу ишни сиёсатчилар ва турли тоифадаги раҳбарлар бажариб келади. Император эса фақатгина миллатни бирлаштириб турувчи сиймо, холос.

Шундай бўлса-да, XIX аср охирида император оиласи ҳамда тахтга ворислик билан боғлиқ қонун-қоидаларга жиддий ўзгартиш киритилди. Унга қадар, асосан, Хитой императорлари таъсирида бўлган Япония секин-аста Европа томон юз бура бошлади. Император оиласи "кўҳна дунё" қиролликларининг урф-одатларини жорий қила бошлади, таълим-тарбия тизими ислоҳ қилинди, ҳаттоки, бинолар ҳам Европа усулида қуриладиган бўлди. Шу орада тахтга ворислик масаласи жиддий ўзгарди. Унга кўра, тахт фақат император сулоласидаги эркак кишилардан бирига мерос қолиши мумкин эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, 1947 йили бу қонун ҳам ўзгариб, тахт фақат императорнинг бевосита қариндоши, яъни унинг ўғли, укаси, набирасига қолдирилиши мумкин, деб белгиланди.

1947 йилги қонун қабул қилинган пайтдаёқ мазкур чора келажакда ворис билан боғлиқ вазиятни кескинлаштириши мумкинлиги айтилган эди. Бироқ ўшанда бу гапларга жиддий эътибор қаратилмаган. Орадан 55 йил ўтибгина Нарухито оиласида "эркаклар танқислиги" юзага келди ва японияликлар 1947 йили шошма-шошарлик билан қабул қилинган қонунни бекор этиш ҳақида жиддий ўйлай бошлади.

Малика Масако фарзандли бўлгунга қадар ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасида мамлакат аҳолисининг 60 фоизи тахтни аёл киши эгаллашига қарши эмаслиги маълум бўлганди. 1 декабрдан кейин ўтказилган сўровларда эса бу кўрсаткич 70 фоиздан ошиб кетди. Хўш, халқ аёл императорга қарши эмас экан, юқоридаги қонундан воз кечишга нима тўсқинлик қилиши мумкин?

Ижтимоий фикр таъсирида Япониянинг кўзга кўринган аксарият сиёсатчилари ҳам тахтни аёл киши эгаллашига қарши эмаслигини маълум қилди. Хусусан, ҳукмрон Либерал-демократик партиянинг энг нуфузли аъзоларидан бири Хирому Нонака, ЛДП бош котиби Таку Ямасаки ҳамда бошқа айрим кўзга кўринган сиёсатчилар император тахтини аёл киши эгалласа, бунинг зарари йўқ, деган фикрни билдирган. Айтишларича, мухолиф партиялар ҳам бунга унчалик қарши эмас.

Ўтган йилнинг охирида аввалига Япония Вазирлар Маҳкамасининг бош котиби Ясуо Фукуда, кейинчалик бош вазир Дзюнъитиро Коидзуми кундан-кун авж олаётган баҳс-мунозараларни тинчитишга ҳаракат қилиб, шахсан император тахтини аёл киши эгаллашига қарши эмаслигини айтди. Бироқ шу билан бирга, уларнинг фикрича, бу масалада шошқалоқлик ярамайди. Я.Фукуданинг айтишича, император оиласининг тарихи жуда узоқ даврга бориб тақалади. Шу сабаб у билан боғлиқ қонун-қоидаларни ўзгартиришдан аввал етти ўлчаб, бир кесмоқ керак.

Бундан ташқари, тахтнинг биринчи галдаги вориси 41 ёшли шаҳзода Нарухито ҳамда унинг укаси Акисино ҳали соғ-саломат. Шу сабаб ҳозирча ворислар ҳақида катта шов-шув кўтаришга ҳожат йўқ. Устига-устак, Нарухито ҳамда Масаконинг яна фарзанд кўриш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Лекин расмий доиралар ҳар қанча кескинликни юмшатишга уринмасин, фуқароларнинг гап-сўзлари тўхтагани йўқ. Воқеалар шу тарзда давом этаверса, Япониянинг ифтихори, халқнинг юксак даражадаги меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, 125 авлоддан буён тахтда ўтириб келаётган япон императорларининг сулоласи жиддий ижтимоий-сиёсий инқирозга учраши мумкин. Кузатувчиларнинг фикрича, ўз императорини жондан ортиқ кўрувчи японлар бунга йўл қўймайди.

*Бобур СОБИРОВ,*
*ЎзА шарҳловчиси.*

## Ўзбек дипломатияси:
# тарих ва ҳозирги замон

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан ўтказилаётган «Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи» республика семинарининг ўн саккизинчи йиғилиши бўлди.**

«Ўзбек дипломатияси: тарих ва ҳозирги замон» мавзуидаги ушбу анжуманда ўзбек дипломатияси бундан қарийб уч минг йил муқаддам юзага келган давлат уюшмалари фаолиятининг таркибий қисми сифатида шаклланган таъкидланди. Бироқ унинг қадимги даврларига оид барча маълумотлар ҳам бизгача етиб келмаган.

Дипломатик алоқалар тарихимизда «элчилик алоқалари» деб юритилган. Тахминан XI-XII асрларни ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги маданий уйғониш даврида Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк аждодларимиз ёзиб қолдирган асарларда давлатни бошқариш масалалари билан бир қаторда дипломатия хизматини ташкил этиш, унинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам ғоят эътиборли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**ЎзА.**

## Bolalik bog`i

# KIM DANGASA

*Muallimni aytganini,*
*«Yaxshi bo`ling» deganini*
*Bajarmasa, «xo`p» demasa,*
*Shu o`quvchi – dangasa.*



*Kitob-daftar uyda qolsa,*
*Behuda u chopib tolsa,*
*O`qimasa va yozmasa,*
*Shu o`quvchi – dangasa.*

*Do`stlar bilan bo`lmay ahil,*
*Yursa mudom bo`lib baxil,*
*O`rganmasa, o`rgatmasa,*
*Shu o`quvchi – dangasa.*

**Asom ZIYOMAT.**

## Муҳокама учун мавзу

# ЮРАК ЯРАСИ

Дид билан кийинган чиройликкина аёл таҳририятга кириб келганда, уни шеър ёки ҳикоя ёзиб келган бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Вақтингизни олмасам бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам, юрсам ҳам ўша манзаралар кўз олдимдан кетмаяпти... Ким айбдор деган саволга сира ҳам жавоб тополмаяпман.

– Майли эшитаман...

– Яқинда энг яқин дугонамни сўнгги манзилга кузатдик. Барча ҳавас қиладиган Ой барчиндай қизнинг хасталик туфайли қоқ суяк бўлиб қолган жуссасини кўрган киши ҳайратга тушарди. Мушдеккина бўлиб қолганидан уни дарҳол таниш қийин эди.

Жанозага келганлар онанинг ўксиб-ўксиб йиғлаётганини, айтаётган сўзларига дош беролмай кўзларидан беихтиёр ёш юмаларди: «Беозорим, меҳрибоним болам. Пешонангда шу кўргуликлар бормиди. Қадрингга куйиб кетдингми. Армонларинг қалбимни қиймалашини нега ўйламадинг, болам...»

Ўша куни онаизорнинг зор қақшаб йиғлашлари ҳар қандай тош меҳрли кишининг ҳам раҳмини келтирди.

«Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди», деганларидек, аёллар Гулҳаёнинг турмуш ўртоғи Санжарни қўллари билан бигиз қилиб кўрсатиб, бир-бирларига гап беришмасди.

– Ҳеч бўлмаса, икки ойгина уйланмай турганида бечора Гулҳаё кундошлик доғини кўрмай, куймай кетарди, бу дунёдан...

– Хотин соғида керакку, касал бўлса керакмасми,ноинсоф. Яна онасиникига олиб бориб қўйганини қаранглар-а...

– Дориларидан хабар олиб турганмиди? Янгисини топганда, эскисига қараб эсини ебдими?

Бирпас хотин-халажларнинг бу каби суҳбатларига қулоқ тутдим. Улар бир овозда куёвни ёмонлашар, Гулҳаёнинг сингиллари эса, уни қарғардилар.

...Исми жисмига монанд гулдай чиройли ва нафис, назокатли қиз Гулҳаё одобли, андишали, меҳнаткаш эди. Ота-она раъйига қараб турмушга чиқди. Турмуш ўртоғи уни жуда ҳурмат қиларди. Гулҳаё оиласи учун тиним билмай ишларди. Томорқани яшнатди, молхолни тинчитди, ҳовлини чинни-чироқдай қилган ҳам меҳнаткаш Гулҳаё эди. Лекин у қилган меҳнатини миннат қилмайдиган, доимо хушчақчақ, соддагина, ширинсўз келинчак бўлиб кўпчилик қалбларда қолди.

... Тузалмас дардга тўсатдан мубтало бўлган дастлабки кунлар онасиникига борганимда нолиганди. Фақат оғир ишларга ярамас, ўзини ўзи яхшигина эплаб, баъзи уй юмушларини ҳам бемалол бажарарди. Бир ойдан сўнг борганимда эса, у мунғайиб қолган, онасини қийнаб юборганидан, кеннойи ва келинларга ортиқча юк бўлаётганидан хижолат эканлигини йиғлаб баён этди. Йигирма кунлардан сўнг тамоман бошқача манзарага дуч келдим.

Кўзлари киртайиб, сочларига оқ оралаган Гулҳаё жимгина шифтга тикилиб ётар, хатто ўртоғи тугул ота-онаси, фарзандлари билан ҳам гаплашишни истамасди.

Яқинда дугонаси Раъно келиб, куёвни 17 ёшли қизга уйланаётганини айтганидан буён, овқатланишни ҳам, гаплашишни ҳам бас қилди. Шифтга қараб хаёл суриб ётаверадиган одат чиқарди. «Ялиниб, ёлворишимиз кор қилмаяпти... Бечора қизим, балки ўзининг қадрига йиғлаётгандир», деди онаси. Ахир 10 йил турмуш қуриб, бирор марта на эр, на қайнона-қайнота билан уришмади. Фақат оғир дардга чалинганда, уларга кераксиз бўлиб қолди. Куёвим ҳам ота-онаси раъйига қарши боролмай қизимнинг кўзи тириклигида уйланишга розилик берди. Ҳеч бўлмаса, озгина кутса бўлмасмиди?

Куёвнинг иродаси, қатъияти, бир сўзлиги қаерда қолди? Мухтожликда хожат чиқариш, беморнинг холидан хабар олишгина эмас, даволанишига ёрдам бериш каби савоб ишлар инсонларнинг меҳр-мурувватлилигини намоён этади. Меҳр-мурувват, саҳоват, садоқат бор жойдагина адолат қарор топади.

«Инсон ақлининг чегараси бор, аммо инсоният ақлининг чегараси йўқ», дейди донишмандлар. Шунинг учун бу воқеа ҳақида хулоса чиқариш, кўпчилик фикрини билиш фойдалидир. Балки қоралаанаётган куёв шундай йўл тутишга мажбур бўлгандир. Лекин мени бир нарса қийнайди: нега эр касал бўлса, хотин қарашга мажбур-у, аёл бемор бўлганда эса, кўпинча аксинча?

Азиз муштарийлар, бунга сиз нима дейсиз?

***Моҳира АРСЛОНОВА.***

## Фойдали маслаҳатлар

**ЛИМОН**

Лимон суви юзни тиниқ қилиб, сепкилларни йўқ қилишда ёрдам беради. Қайнатмаси семиртиради, оғиздаги бадбўй ҳидни кетказади. Суви бадандаги турли тошмаларга даводир. Сувини кўзга суртилса, кўздаги сариқни йўқ қилади. Сариқ касалига ҳам унинг шарбати даво бўлади.

**ЛАВЛАГИ**

Лавлагининг шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилган терига фойдалидир. Баргининг суви сўгалларни кетказишга ёрдам беради. Уни қайнатиб, яраларга боғланса, уларни юмшатиб, тез битиб кетишида муҳим рол ўйнайди. Лавлаги баргининг қайнатилгани оловда куйганга даво бўлади. Асал билан қўшиб суртилса, темиратккини йўқ қилади.

**ТУРП**

Турп уруғини етмак билан қўшиб доғ жойларга суртилса, уларни кетказади. Агар асал билан қўшиб яраларга боғланса, уларни газагини олади. Уруғи сирка билан қўшиб ишлатилса, гангреноз ярани бутунлай соғайтириб юбориш хусусиятига эга. Уруғини истеъмол қилинса, бўғимларни лўқиллашини қайтаради ва оғриғини тўхтатади. Унинг сувини кўзга томизилса кўзни тозалайди. Қовоқ остидаги кўкарганни кетказади ва кўзни равшанлаштиради.

## Кулганга нима етсин!

*– Қўшни, пианинонгизни менга сотинг.*

*– Ие... сиз пианино чалишни билмайсиз-ку, ёки фарзандларингизга чалдириб эшитмоқчимисиз?*

*– Йўқ, айнан унинг овози жонимга теккани учун сотиб олишга аҳд қилдим.*

* * *

*– Кечқурун ухлаб ётиб, меҳмонхонадаги шовқиндан уйғониб кетдим. Қулоқ солсам, нималарнингдир юргани ю қимирлагани эшитилди. «Инсу жинслар» деган ўй келди миямга ва шу ондаёқ менда газетага хат ёзиш фикри пайдо бўлди. Аммо...*

*– Аммо нега газетага ёзмадингиз?*

*– Чунки, мен нималар йўқолганлиги тўғрисида милицияга ариза ёздим.*

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 204-ўрта мактаб томонидан Ғойибова Дилноза Аҳмаджоновна номига тўққизинчи синфни битирганлиги тўғрисидаги 2001 йил 12 июнда берилган O`RZ 0903464 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Sport

# ТАЙСОННИНГ ЖАНГИ БЎЛАДИМИ, ЙЎҚМИ?

АҚШнинг Невада штатидаги Атлетика комиссияси Майк Тайсонга боксчилик рухсатномасини бермайдиган бўлди. Лас-Вегасда ўтказилган мажлисда комиссиянинг беш аъзосидан тўрт нафари боксчига рухсат беришга қарши эканини таъкидлаган.



М.Тайсон учун ёмон томони шундаки, агар у рухсатномани қўлга кирита олмаса, 6 апрель куни британиялик Леннокс Льюисга қарши Лас-Вегасда жанг ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бироқ Невададаги атлетика комиссиясининг бу қарори бошқа штат ва мамлакатларда кучга эга эмас. Шу сабабдан «Темир Майк» Невададан бошқа жойда рингга чиқиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Тайсон — Льюис жанги Лас-Вегасда ўтказилганда шаҳарга 300 миллион АҚШ долларига яқин фойда келтирарди. Лекин ҳозир Тайсон Невада штатида рингга чиқолмайди. Буёғига эса Тайсоннинг рақиби ҳам у билан беллашишдан бош тортиши мумкинлигини таъкидлаган.

## Sport

# ТЕННИСЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

Россиянинг етакчи теннисчилари Марат Сафин ва Евгений Кафельников Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган АТП таснифига кирувчи турнирда иштирок этмайдиган бўлди. Маълумки, 8-10 февраль кунлари Москвада Россия терма жамоаси Девис кубоги доирасида Швейцария билан учрашади. Шу боисдан Сафин ва Кафельников мукофот жамғармаси 381 минг АҚШ доллари бўлган мусобақада қатнашишдан кўра, ўз юртида ўтадиган беллашувларда муваффақиятли ўйин кўрсатиш учун тайёргарлик кўришни афзал билди. Швейцарияликларнинг етакчи теннисчиси Роджар Федерер эса, Милан турнирида қатнашишни маъқул топган.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-164. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Адади 12040 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 8.15. 1 2 3 4 5 6